



МИННАТ

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 май куни «Симон Визентал Маркази» Халқаро яхудиёрлар ташкилотининг ташқи алоқалар бўйича директори Шимон Самозс раҳбарлигидаги ишбу ташкилот делегациясини қабул қилди.

Мазкур ташкилот 1977 йили тuzилган бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган яхудиёр миллатига мансуб 440 мингдан ортиқ кишини бирлаштиради. Унинг асосий мақсади иккинчи жаҳон уруши йилларида инсониятни қарши жаноз содир этган ёки бунга қумаклашган шахслар ҳақида маълумот тўплаш ва уларни ҳуқуқ-тартибот органларига топширишдан иборатдир.

Ислам Каримов ташкилот фаолиятига юқори баҳо берар экан, ишбу ташкилотнинг Ўзбекистон билан халқаро яхудиёрлар ташкилотлари ва Исроиил давлати ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш йўлидаги яна бир муҳим кадам, дея изоҳлади.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари У.Исмомов, У.Раҳматов, Бош вазир уринбосари А.Азизжўраев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

14 май, пайшанба 1998 йил №56 (558)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Олий Мажлиси XI сессиясидан кейинги ўйлар

ЕР... СУВ ИЧАДИ

Ўзбекистон Олий Мажлисининг навбатдаги ўн биринчи сессияси мамлакатимиз ривож учун гоҳат муҳим ҳисобланган ҳаётий масалаларни муҳокама қилди. Алалхусус Ер кодекси тасдиқланди, кишлоқ ҳўжалиги ширкати, фермерлар ҳўжалиги, Деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги Қонунлар қабул қилинди.

Сессияда катта нўт сўзлаган мамлакат Президенти И.Каримов Ер кодекси ва мазкур Қонунлар деҳқончилик сановати мажмуида иқтисодотларни изчил давом эттиришда халқчилуви рол ўйнашини таъкидлади. Халқимизнинг «Ер ҳазина, сув гаваҳар» деган ҳикмати ибодатига қатъий амал қилиш лозим. Бу борада Қорақалпоғистон республикасида ҳам ўз эчимини кутаётган муаммоларни теъроқлик билан халқ этиши - ҳаётий заруратга айланди. Биз қуйида ана шулардан баъзиларни тўғрисида фикр юритишни лозим топдик.

Амударёнинг қуйи қисмида кейинги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолати ўта ёмонлашиб, ҳосилдорлик сезиларли даражада пасайгани кўзга ташланмоқда. Хатто, янги ўзлаштирилган ерлар ҳам қайта шўрланиб, яроқсиз бўлиб қоляпти. Бундай ачинарли аҳволни Қорақалпоғистоннинг энг йирик қишлоқлари - Эллиққалъа ва Жамбасқалъа мисолида кўриш мумкин. Етмишинчи йилларнинг бошларида бир неча юз минг гектарлик серхосил ерларни эғаллаб ётган мазкур ҳудудларни қайта ўзлаштиришга киришилди. Қайта ўзлаштириш иборасига уруш беришимизнинг боиси бундан бир неча асрлар олдин бу ерларда бобоклонларимиз деҳқончилик қилишган. Сувсизлик сабабли бошқа жойлар-

га қўчиб кетишган. 70-йилларда янги ўзлаштирилган жойларга ўн минглаб аҳоли қўчиб келди. Ватан қилди. Янги туман, йирик ҳўжаликлар ташкил топди. Узининг ҳақиқий эгасини орақиб кутиб ётган замин захматкаш деҳқондан ўз сароғатини дариғ тутмади. Дастлабки йиллари фақат Эллиққалъа тумани 53 минг тоннага пахта етиштириб давлатга топширди. Табиийки, йилдан йилга ерларни қўлаб ўзлаштириб, кишлоқ ҳўжалиги айланишига кириштиш ҳажми тобора ортиб борди. Лекин масаланинг бошқа бир муҳим жиҳати ҳам бор эди. Бу ерлар Тўртқўл, Беруний, аинқаса Бухоро вилоятининг қўшни туманларини экан экидан ерлардан анча пастда, Султон Увайс тоғ тизмалари ва Қизилқум оралигида жойлашган эди. Юқоридаги деҳқончилик қилаётган ҳўжаликларнинг ер ости заҳари оқова сувлари шу ҳудудга тўпланади. Бер сўз билан айтганда Эллиққалъа, Жамбасқалъа массивлари ерлари зах сувлари тўпланадиган ўзига хос ҳовузга айланади. Унинг 30 фоизини қилинган салқим 20 минг гектар ер қаттиқ шўрланиб қолган бўлимоқда. Ахир, фойдаланишга топширилган энг узон қилинган 1994 йил деб белгиланган иншоотнинг ўтган 7 йилда атиги 12 километрик қисми қазиб бўлинганини нима билан изоҳлаш мумкин? Мазкур коллектор вақтида фойдаланишга топширилганда эди, тўпланиб қолган зах сувларини Беруний насос станциялари кучи билан 3-4 метр баландиқка кўтариб, Қизилқумга қазиб юборишга ҳожат қолмас эди. Аксинча, ер ости оқова сувлари мазкур коллектор орқали ўзи оқиб, Орол денгизига томон чиқиб юбориларди. Ҳозир туманларо Беруний насос станциялари оқова сувларни Қизилқумга тўла чиқазиб юбориш қувватига эга эмас. На-

маган, шолчилик учун махсус мелиоратив тизими бўлмаган.

Тўртқўл, Эллиққалъа ва Беруний туманлари ҳўжаликларининг баъзи ерлари икки йилдаёқ ишдан чиқди. Шолчиликларга яқин жойлашган дараклар қурий бошлади. Хайрият, бу йил Қорақалпоғистон республикаси раҳбарияти вазиятга тўғри баҳо бериб, шолчиликни фақат ихтисослаштирилган 6 та туманларнинг 25 та ҳўжаликларигагина экишга руҳсат берди.

Ҳўш, Амударё қуйи қисмидаги энг йирик Тўртқўл, Беруний ва Эллиққалъа туманлари ҳўжаликларидидаги мелиоратив ҳолатини яқинлаштириш таъминоти қарор қилинганда, умуман аҳолини сув билан унглаб олиш эҳди нима қилиш лозим?

Маълумки, бу ҳудудда тўпланиб қолган заҳарли ер ости сувларини ташқарига чиқариб юбориш учун узунлиги 47,8 километрик «Қорақалпоқ-Жанубий бош коллектор»ни қазиб бошланган эди. Иншоотнинг бош пудратчиси қилиб «Бўстонсувқурилиши» бошқармаси белгиланди. Аммо қурилиш ишлари ҳудудда 6 йилда фойдаланишга топширилган. Тўртқўл туманидаги 6 минг 600 гектар Беруний туманидаги 38650 гектар, Эллиққалъа туманидаги 36448 гектар экинзорларни сув билан қаролатиш равишида таъминлаш белгиланди. Ҳозир қанализинг энг мураккаб, яъни бетон билан қоплангани лозим бўлган 35,3 километрик биринчи навбати қурилиши Қизилқум узра олиб борилмоқда. Қанализинг дастлабки қисми бетон қоплаш учун ҳозирланган. Бу ишларни амалга оширишда 20 га яқин техникалар ишлатилмоқда.

Бўстон (Биноқор) канали ва «Жанубий бош коллектор»да олиб борилаётган иш суърати, албатта, бизни қаноатлантирмайди, - дейди

«Бўстонсувқурилиши» бошқармаси бошлиғи Мақсуд Тўрабоев. - Ишимизнинг кўнгилдагидек бўлмаётганига асосан ёнлиғи-мойлаш материаллари етишмаслиги тўғрисида бўлаётди. Шунингдек, техникалар учун эҳтиёт қисмлар ҳам кам. Хуллас, излайверасак баҳона кўп. Шунга қарамадан имкониятимиз доирасида кеча-ю кундузи ҳаракат қилаётмиш. Чунки, ҳар иккала иншоотларнинг теъроқ фойдаланишга топширилишини деҳқонларимиз интиқлик билан кутмоқда. Мана бир мисол: Беруний туманининг салқим 40 минг гектарлик экин ерлари шундайгина Амударё соҳилида жойлашган. Аммо, бу майдонлар дарага ўрнатилган насос станциялари востисидега сугорилди. Бошқа илож йўқ. Эллиққалъа туманидаги салқим 10 минг гектар ер ҳам худди шу насос станциялари хизматидан фойдаланади.

- Биз оддий сув эмас, «Олтин» сув етказиб бераёلمиз, - дейди туманларо Беруний насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи Иқтисод фанлари номзоди Олимбой Примов. - Чунки дарага ўрнатилган 70 га яқин қудратли Астрахан, Чехия насослари ёнлиғисиз, электр энергияси ва бошқа зарур ҳаражатлар учун ўтган йили 162 миллион сўм сарфланди. Бошқармаимизда 600 нафар киши меҳнат қилаётти. Агар Бўстон канали ва «Бош коллектор»ни қазиб ишлари тугаланиб, бу иншоотлар фойдаланишга топширилганда эди, давлат ҳазинасидан олиб ҳарж қилинаётган юқорида тилга олинган 162 миллионлик маблағ бошқа мақсадларга сарфланган бўлар эди.

Қўриниб турибдики, ҳар иккала иншоотни ҳам белгиланган муддатда ишга тушириш учун барча мавжуд қучларни жамлаш зарур. Шундагина ер ва сувдек азалий-абдий бойликларимизни асраб-авайлаган бўламиз.

Абду РАҲМОН, «Ишюн» муҳбири



Шу кунларда Янгийўл туманидаги «Жамол ота» деҳқон-фермер ҳўжалиги сабзавотларининг қўли қўлига тегмайдиغان палла. Улар иссиқхонада етиштирилган помидорни ўз вақтида савдо дўконларига етказиб бериш иштиёқиде меҳнат қилмоқдалар.

Суратда: сабзавоткор Т. Орипова иш пайтида.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



Хиндистонда ядро синови

Хиндистонда душанба кунини ядро қуроллари синови ўтказилди. Бу дунё ҳамжамиятининг кескин норозилиғига сабаб бўлмоқда. Америка Қўшма Штатлари, Покистон, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Россия ва катор бошқа давлатлар Хиндистондаги ядро синовларини қаттиқ қораладилар. Катор давлатлар Хиндистонга инсоният халқаро жаза чораларини қўлаш талабини илгари сурмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби Кофи Аннан Хиндистонда ядро қурол синови ўтказилгани муносабати билан афсус билдирди. У Хиндистондаги синовлар минтақда беқарорликни юзга келтириши мумкин, деб айтди. Кофи Аннан Хиндистонга қўшни давлатларни ақл билан иш тутушга, Хиндистонга ўхшаб шошма-шошарлик қилмасликка чакирди.

Кончилар маош талаб қилмоқдалар

Россиянинг Коми Республикаси шахтёрлари уч кундан бери норозилик намойишини ўтказмоқдалар. Қўмюр қонлар билан биринчи 70 нафар ишчиси очлик эълон қилган. Шахтёрлар Коми ҳудудидан ўтган Москва-Воркута темир йўл тармоғини тўсиб қўйишни ҳам режалаштирмоқдалар. Кончилар анчадан бери ололмаётган ойлик маошларини талаб қилмоқдалар.

Беназир Бхутто порахўрми?

Покистоннинг собиқ Бош вазир Беназир Бхутто Лондондан ватанига жўнаб кетган. Бир кун аввал Покистон расмийлари Беназир Бхуттонини коррупция ва порахўрликда айбоб, яна бир неча оғир ҳақида қарор берган эдилар. Лондонда сафарда бўлган собиқ Бош вазир бу хабарни айтишдан бўлса-да, Покистонга қайтиш истганини билдирган. Беназир Бхуттонинг ўзи берган баёнотга қўра, унинг ҳеч қандай айби йўқ, шундай экан, ватанига қўрқмасдан қайта олади.

Шубҳалар тарқаб кетди

Америка Қўшма Штатлари Давлат қотибининг янги Мустақил Давлатлар билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси Стефан Сестанович АКШ Конгресси Вакиллар палатаси ҳузурида нутқ сўзлади. У ўз нутқида АКШнинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларидаги сиёсати масалаларига кенг тўхтади. Сестановичнинг айтишича, қўнлар бу янги мустақил давлатларнинг мустақиллигига шубҳа билан қараган бўлсаларда, бугун шубҳалар тарқаб кетди. Янги мустақил давлатлар ўз келажакига ишонч билан қарамоқдалар, сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришмоқдалар. Улар эндиликда ўз мустақилликларини сақлаш ва химоя қилишга қодирлар.

Нефть нархлари ошмас...

Нефть ишлаб чиқарувчи Араб давлатлари берган баёнотга қўра, агар дунёда нефть нархлари кўтарилиб, улар нефть қазиб чиқариш ва қайта ишлаш курсатқуларини кескин пасайтирадилар. Бу муаммо Дамашқда бўлиб ўтган нефть ишлаб чиқарувчи араб давлатлари вакиллари учрашувида муҳокама этилди. Ҳозир дунёда нефть ва нефть маҳсулотлари нархи 1997 йилдагидан анча арзонлашиб кетган.

Латвия, Литва ҳамда Эстония...

Ригада Латвия, Литва ҳамда Эстония президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Балтиқ бўйи давлатларининг ўзаро ҳамкорлик масалалари, шунингдек, минтақда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва НАТО блоки билан ҳамкорлик қилиш мавзулари муҳокама этилди.

Ҳажон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Иқтисодийт янгиликлари

Пилла терими бошланди

Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» жамоа ҳўжалиги пиллакорлари Фаргона вилоятида биринчи қатори бу йилги ҳосил - пилла теримини бошлаб юборди. Бу ишни Маликаҳон Азимова, Одинаҳон Саримсоқова, Бадалхон Исоқова, Қосияҳон Хўжабердиева сингари моҳир пиллакорлар бошлаб берди. Дастлабки кундаёқ ҳар қутти курт уруғидан 80 килограммдан ошириб қимматбаҳо саноат хом ашёни териб олинди.

Бу йил ҳўжалик пиллакорлари 250 қутти ипак куртини парваришлаб, қабул пунктларига салқим 15 тонна сифатли маҳсулот топшириш ниятдадиллар.

Фаргона вилояти Р.КАМОЛОВА, ЎЗА МУҲБИРИ.

Янги қарам-шаҳарликлар дастурҳонига

«Соҳибкор» корпорациясини экин майдонлари Наманган шаҳри ҳудудига тушиб кетган. Бу ерда ҳар йили неча ўнлаб гектар майдонда озлаб тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, шаҳарликларга етказиб берилади. Иқтисодимизнинг еттинчи йилда эса 312 гектарда сабзавот экинларидан деҳқончилик қилинди. Шундан 235 гектарини помидор ташкил этади. 15 гектарда бодринг, 2 гектарда эса редиска ва бошқа дармондор қўнлар усмоқда. Қолган катта майдонларда эса қарам етишмоқда. 25 апрелдан эътиборан қарам узига киришилди. Қўнати иссиқхоналарда етиштирилган, иккинчи ўтказилгандан кейин планка остида парваришланган пудратчи таҳрибли деҳқон Қаримжон Музаев бу йил 25 тонна қарам тайерлаш юзасидан ҳўжалик билан шартнома тўзган эди. Бугун эрта у бу борадаги ваздасини баҳарлади. Корпорация деҳқонлари етиштирилган маҳсулот сифатлиги билан вилоят маркази аҳолисини мамнун этмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишюн» муҳбири

Фармон ва ижро

МИННАТДОРМИЗ

Мамулумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти «Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги» Фармони билан уруш фахрийлари муносиб тақдирландилар. Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ва қасба уюшмалари қўмитаси ҳам ўз фахрийларини ўз ҳосилларидан ҳам тақдирлашди.

Ғалаба кўни арафасида 180 га яқин нафақадаги меҳнат фахрийлари жамият мажлислар залига тақриф этилди. Жамият раиси Рус-

Фармон ва ижро

МИННАТДОРМИЗ

там Қосимов уларни ана шу фармон билан таъиништирди. Фармон муносабати билан қасбақўм хисобидега турвучи иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, Афғонистон воқеаларида иштирок этган ва Ленинград қамали қатнашчилари бўлиш 34 кишини ихтимий химоялаш мақсадида Республика бюджетидан ҳар бир уруш қатнашчисига аж-

ратилган 1 ярим минг сўмдан ташқари уларнинг ҳар бирига 750 сўмдан пул мукофоти тантанали равишда топширилди.

- Мен Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги» фармониини зўр қувонч билан қутиб олдим, - деди сўзга чиққан Иккинчи жаҳон уруши ишти-

Фармон ва ижро

МИННАТДОРМИЗ

рокчиси ва II гуруҳ ногирони Абдулла Сатторов, - ёшим 70 яқинлашди, шунга қарамай бизни маъмурият ва қасбақўм унутган эмас, аксинча ҳамма катта эътибор ва ғамхўрлик қўриб келмоқда. Қасбақўм аъзоси сифатида ҳамон сафда эканман, бутун кўчимни Ватанимизни мустақиллигини мустаҳкамлаш ишга сарфлайман, Президентимиз ва ҳукуматимизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдирман.

С.ФАЙЗИЕВА.

ОИЛА ТАШВИШИ - ЖАМИЯТ ЮМУШИ

Қашқадарё вилоят қасба уюшмалари кенгашининг ташаббуси билан Оила йилига қилинган «Давра суҳбати» ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ Демократик партияси, «Қамолат» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар кенгаши, вилоят суҳбатчилари вакиллари, вилоят ва туман қасба уюшма қўмиталарининг раислари, ота-оналар, ўқув юртлари талабалари ва бошқалар иштирок этишди.

«Давра суҳбати»ни вилоят қасба уюшмалари кенгашининг раиси Эсон Ражабов очди. Қуйида ана шу «Давра суҳбати» қатнашчилари эътиборингизга қавола этилмоқда:

Розия РЎЗИБОЕВА - вилоят хотин-қизлар кенгаши раисининг муовини. - Аввало вилоят қасба уюшмалари кенгаши ушбу тадбирни ташкил этганини қўлаб-қувватламоқ даркор. Биз вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда вилоятдаги аҳоли оилавий шароитлари билан танишиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб олганмиз. Воҳада жами 1063 га кишлоқ бор. Ҳозир махсус ишчи гуруҳи фуқаролар турмуш тарзи билан танишмоқда. Бундан ташқари жойларда «Оила ва ҳўқуқ», мавзуда семинарлар ўтказилди. Қарши ва Шахрисабз шаҳарларида эса «Оила ва никоҳ» марказлари ташкил этилди.

Ўткир ХОНКЕЛДИЕВ - вилоят суҳбат раисининг муовини. - Мен бугунги суҳбатда асосий эътиборни тур-

ги вазифасига айланмоғи зарур. Шундагина фуқаролар бизга йили суд органларига ариза билан мурожаат қилишмайди. Биз доимо оилавий аҳралишлар бўлмаслиги тарафдоримиз. Илоҳи борича масалани илҳомий ҳал этишга уриниб қурамиз. Гоҳида фуқаролар эскичасига иш тўтиб ўз турмуш ўртоғини «талок» қилишади. Менимча бундай енгилтақликка бормаслик керак. Хатто Қуръон қаримда ҳам никоҳ бўлиши қаттиқ қораланди. Хуллас, оилавий жанжалларни олдин олашда жамоатчиликнинг иштироки ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Саноабар РАҲМОНОВА - Яқкабоғ туманидаги «Яқкабоғ» боғдорчилик жамоа-ширкат ҳўжалиги қасба уюшма қўмитаси раиси.

- Ҳўжалик қасба уюшма ташкилотига узок йиллардан бери етакчилик қиламан. Шу боисдан бўлса керак, жамоада истиқомат қилувчи ҳар бир хонадоннинг ёшидан то кеккасигача яқши биланман. Чунки вази-мадан шунки тақозо этади. Идорада утирган билан иш битмайди. Қачонки, халқ дардини ўз дарди деб билган раҳбаргина эл ўртасида иззат-оғру топади. Бу йил Оила йили эмасми ҳўжалик маъмурияти билан тузилган меҳнат шартнома-сида аҳолини ижтимоий химоялашининг янги усуллари алоҳида қайд қилиб ўтилган. Мен шартномадаги дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлаб бораётирман. Очиги қишлоқларимизда шундай ки-

шилар борки, ёши 55-60 ни қоралаб боришига қарамай, собиқ СССР шаҳарлари у ёқда турсин хатто Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларини қуришмаган. Умири далада, меҳнат қилиш билан ўтмоқда. Қасбақўм раиси сифатида Оила йилида ҳўжалиги мизда яшовчи ва меҳнат қилиб бирор катта шаҳарга ташириб буюрмаган фуқароларни республикамиз шаҳарлари бўйлаб бепул саёбат ўштиришга бел боғлаганман. Бунинг унда-сидан чиққан. Чунки, маблагимиз етарли. Ҳўш, бунинг нимаси ёмон. Меҳнат қилган киши дам олишини ҳам билиши керакку, ахир!

Маҳбуба ЭШМУРОВА - Қарши туманидаги Ҳудудий қишлоқда яшовчи ибратли оила бекаси, ўқитувчи.

- Мен узим ва оилам ҳақида тўхталмасам ҳам бўларди. Чунки, турмушимдан, ҳаётимдан ноллидиган то-моним йўқ. Фарзандларимнинг ҳаммаси олий маълумотли. Рузгорим бут ва тинч. Қасбим унутувчи эмасми, баъзи ёшларимиз умрини беҳуда ўтказишга таян-рини қуриб ачинаман. Меҳнат қилишдан бош товлаб бекор юришибди. Бокимандалликка одатланиб қолган. Ота-оналар тўғри ўзларининг бурчи сифатида ушундай ийигит-қизларни катта тўй-томоша билан оила қурдиришмоқдалар. Оқибатда бундай оилаларнинг умри узоққа бормаяпти. Шунинг учун аввало ёшларни бирор касб ухнари бўлишга интилишимиз ва бунга эришишимиз керак. Сўнг эса оила қуришга

тайёр, тайёр эмаслигини ҳисобга олиш ҳам даркор. Чунки, ҳамма нарса оиладан бошланади. Ҳаммамиз ҳам ёшлар келажакимиз дейимиз, аммо лекин уларни келажакка тайёрлаш ҳақида етарли даражада қайғурмаямиз.

Азамат САМАДОВ - вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини. - Тиббий ҳодими сифатида бир муаммога тўхталмоқчиман. У ҳам бўлса шифо масканларимизга эндигина турмуш қурган ёш келинлар камқонлик хасталиги билан касбилади. Ҳўш, бунинг асосий сабаби нимада? Аввало бу хасталикка қалинган хотин-қизлар тўйиб овқатланмайди. Яъни сервитамин таомларни кам истеъмол қилишади. Организм витаминларга ташна бўлган, камқонлик хасталиги бўлиши турган гап. Иккинчидан, ёшларимиз ни-

коҳга тайёр бўлмасида оила қуришди. Оила қургандан кейин келин ёки кўвда олдиндан яшири-ниб келинган хасталиқлар кўриниб қолади. Шунинг учун оила қуришдан олдин ҳар бир ийигит-қиз ўзининг саломатлигини билиш мақсадида тиббий қуридан ўтгани маъқул. Шунда орқича сарф-ҳаражат, гап-сўз бўлмайди. Турмуш қургандан сўнг оила-ни режалаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биз шу мақсадда вилоятнинг икки жойида яъни Қарши ва Шахрисабз шаҳарларида «Оила» режалаштириш марказларини ташкил этганмиз. Оила қурмоқчи ёки оила қурган ёшлар мазкур марказлардан қоралиқ маслаҳатлар олишлари мумкин.

Ахрор САМАРИДИНОВ, «Ишюн» муҳбири

Халқимизнинг сеvimли достони «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги нишонлаш ҳақида қарор Амурдорнинг куйи оқимида истиқомат қилувчи халқларнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Айниқса, бу тадбирни ўтказиш ҳақидаги хушхабар Кунгирот эли меҳнатқашларига хуш ёқди. Чунки, қаҳрамонлик достони «Алпомиш»нинг кўп қисми кунгиротликлар ҳаёти, урф-одатлари билан боғлиқ-да! Бу хусусда кунгиротлик тажрибали муаллим, кўп йиллардан буён тарих, адабиёт соҳасида чуқур изланишлар олиб бораётган Жобборберген Шомуродов куйидагича фикр билдиради:

«Алпомиш» достони аждодларимизнинг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутди, дейди Ж.Шомуродов. Унинг муаллими ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғунлиги, миллий гурур ва ўзини англаш рамзига айланганлиги, ушбу достон яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлиги қувонарли ҳолдир.

Фольклоршунос олимларнинг яқдил фикрлари га кўра «Алпомиш» қаҳрамонлик достони минг йиллар илгари Сиринг куйи оқими, Дашти Кипчоқ далаларида, аскарят феодализм шаклига бошлаган, патриархал уруқчилик муносабатлари сақланиб келаятган шароитда, туркий қабилаларнинг достончилик анъаналари замида Кунгирот қабиласида юзага келган. Дашти Кипчоқ қабилаларининг турли жойлари сийҳиши, Кунгиротларнинг бўлину-булини янги ташкил то-

ган ҳолда келиб чиқиб ил-дизларини минг йилдан ҳам нарироқдан излаш тўғриси бўлар эди. Олимлар достоннинг уюсига келиш даври ва шаклланиши асосан Сиринг куйи оқими, Дашти Кипчоқ далаларида, Кунгирот қабиласи орасида кечганлигида, дея яқдил фикрда бўлсалар-да барча туркий халқларга тегишли VII асрдан маълум «Дадайи Кўрукут» («Кўрукут

Алпомиш етти йил зиндонда ётганда уни мунтазам озик-овқат билан таъминлаган, қўтилишига яқиндан ёрдам берган дўстнинг номи қорақалпоқча ваариантада - Ашим (Ўзбек, қозоқ манбаларида - Кайқубод, Кейкубат). Бу мўғул тилида «Муруватли бўри» дегани. Мўғул ва туркларнинг қадим илдиэлари бир эканлигини (бу фанда исботланган) ҳисоб-

ний фазилатлар, эзгу умид ва орузлар, ҳасизлик, ёвузликни энгиб чиқишга қаратилган. «Алпомиш» достонининг туркий халқлар орасида кенг тарқалган вариантлари 150 дан ошиб кетган эди. Шулардан ўзбек Фозил Йулдош ўли (1872-1955), қозоқ Жусупбек Шайхислом ўли (1857-1936), қорақалпоқ Ҳузир Жиров (Ҳужалиёв) Ниёз ўли (1884-1954) вариантлари орқали бу достон бир қанча жаҳон халқлари тилларида таржима қилинди.

Шуро замонидан, аниқроғи 50-йилларда «Алпомиш» достони бир ҳовч эзувчи синф вакиллари-нинг туь манфаатларини қувловчи, халққа қарши достон, деб эълон қилинди. Уни талқин қилган, нашр этган олимларни, куйлаган бахши- жировларнинг таъқиб, таъзиқ остига олишди. Ҳақ эгилди-ю синмайдди. Ҳаёт бор экан, шубҳасиз, халқимизнинг алп достони - «Алпомиш» асрлар оша яшайверди, баланд пардаларда жарангайверди. Бунга достоннинг келаси йили ўн асрлик юбилейи ўтиши учун бошланиб кетган умумхалқ тайёргарлиги ҳам ёрқин исботдир. Зеро, мардлик, ботирлик, душманга чекиз нарфат, элга сардоқат, самимий меҳрибонлик сингари олийжаноб хислатлар тинимсоли, асрлар қаъридан келаятган Алпомиш энди бутун жўйбасти, алп қоматини жўмлаи жаҳонга қўрсатаверади! Мазмундор суҳбат учун ташаккур.

Абду РАҲМОН сўхбатлашди.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан ХАЛҚИМИЗНИНГ АЛП ДОСТОНИ

паётган туркий халқлар қаторига аралашуви туфайли «Алпомиш» у ёки бу халқнинг тарихий шароити доирасида ўзгариб турди, миллий хусусиятларни сингдириш билан фарқлана бошлади, турли вариантлари пайдо бўлди: ўзбекларда «Алпомиш», қорақалпоқ ва қозоқларда «Алпамис», тоғли олтойликларда «Акпумуш», «Алпмуш» ва «Алпманаш», бошқирларда «Алпамиша» ва «Барсин хиллу» (сулуу), қозон татарлари ва тохжикларда тўла ҳолда сақланмаган.

«Алпомиш»нинг бизга қ етиб келган тўлиқ вариантлари 16-17 асрларда калмоқ босқинчиларининг Дашти Кипчоқ ва Мовароуннахрга ҳужуми даврида яратилган. Ўзбекларда «Алпомиш»нинг калмоқ хонлари таъзиқи акс этмаган вариантлари ҳам мавжуд. Аслида юқоридаги маълумотларни рад этма-

ота») достонидаги Бамей Байрак ёки Али Бамси тим-соли «Алпомиш» достонининг пайдо бўлишига асос-дир, деб ҳисоблайдилар. Баъзи бир олимлар «Алпомиш» достонининг ил-дизини бундан ҳам тереянлаштиради, яъни қадимий турклар (улар ўзларини бў-рлар авлодларимиз, деб ҳисоблаган, бу билан гурурланишган, «Бўри» унвонини олишини, бўри терисини ёпишини, байроқларига бўри тасвирини туширишини ўзларига бахт, деб билганлар) даврига та-қайдилар. Бунда достонини тўла шакланган даври эмас, унда тўла олинган баъзи бир афсонавий асо-тирмонандоқ, лекин тарихий асосга эга унсурлар кўзда тутилди. Достонини қадимийлигини исботлашда бу олимлар куйида-гича далилларни келтирдилар. Алпомишнинг ота-сининг исми - Бойбўри,

га олсак, «ошим» (тўғрироғи «ашин») сузи ҳар икка-ласида ҳам ўша узоқ давр-ларда бир хил маъно ан-глатган, дейишга асос бор. Негаки, қадим туркларда қудратли Ашина уруғи ҳам мавжуд эди. Худди шу уруғ Кунгирот қабиласининг аж-доди эканлиги ҳам олим-лар томонидан фараз қи-линади. Қўшимча қилиб шунни айтиш мумкинки, ўзи-ни олишини, бўри терисини ёпишини, байроқларига бўри тасвирини туширишини ўзларига бахт, деб билганлар) даврига та-қайдилар. Бунда достонини тўла шакланган даври эмас, унда тўла олинган баъзи бир афсонавий асо-тирмонандоқ, лекин тарихий асосга эга унсурлар кўзда тутилди. Достонини қадимийлигини исботлашда бу олимлар куйида-гича далилларни келтирдилар. Алпомишнинг ота-сининг исми - Бойбўри,

Асосий гоёси- халқнинг ўз мустақиллиги ва бир-лигини сақлаш, осойишта-ликни мустақамлаш, инсо-

ЧЕМПИОН ҲАМОН САФДА



Мамлакатимизда спортнинг теннис тури йилдан йилга оммалашиб бораётир. Анвар Александрович Газеев мазкур уйиннинг моҳир мураббиларидан саналади.

Ўзбекистоннинг собик чемпиони ҳамон сафда. Маня 40 йилдирки ёшларга теннис сир-асрорларини ўргатайти. Утган йиллар мобайнида минглаб шогирд тайёрлади. Улар орасида республика ва халқро ўрашувлар голиболари ҳам бор.

Ҳозирги кунда спорт устаси 63 ёшга тўлишига қарамай пойтахтдаги «Пахтакор» теннис кортида ёшларни меҳр-муҳаббат билан тарбиялаётир. Суратда: мураббий Анвар Газеев шогирдлари даврасида.

Алшпер РИСКНОВ (Ўза) суратта олган.

Саломатлик гўшаси

ГАВЖУМ МАСКАН

- Ҳаёт сизга жумбоқ кўймаса...
- Биринчи куйлаган ташхис ўзгармасин!
- Миждозлар учун кураш

Илм толиби кўч-кўч китоб ўқиса, ўқитганларини ҳаётда қўрмас, қўрганларини тажрибадан ўтказ-маса бу илм тўн ёнқоқда ў-шар қоплади. Худди шундай, ҳар қандай шифокор илмга берилоб нина билан қудқ қазиса бирон марта касал-нинг ўзини қўрмаган бўлса, ундан қандай амалий ёрдам қўтиш мумкин?

Абдурахмон Хасанов Тошкент тиббиёт институти-ни битирган. Беморларни даволашга киришиб кетди. Ўнги наватчиликлар, кас-салларга биринчи ёрдам курсатди. Хасталикни харо-хлик йўли билан бартараф этиш жараёнири ши-фокорни мутахассис сифа-тида тоблади. У киши аинқаса касал текширишдан чарчамади. Балки шунинг учун ҳам заваллари унга ҳа-ётини жўмбоқ бўлиб туюлган бир қанча мурақаб хаста-ликлар бирин-кетин у «сир-асрорларини» намоян эта бошлади.

Сир эмас, азалдан зар-гар, уста-хунарманд, қосиб-ларнинг уз миждозлари бўл-гани сингари кўли энгил шифокорларнинг ҳам до-мии беморлари бўлади. Шифокорнинг кетидан сая-дек эргашига тайёр бе-

сий шифохона раҳбарининг дастлабки иши беморга тўри, аниқ ташхис куйишдан бошланар экан. Агар беморга тўри ташхис ташхис биро куйилиб, шу йўналишда да-волаш бошлаб юборилса, у кўнгина ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Ноу-рин куйилган ташхис биро томондан шифокорни чағи-тади, иккинчи томондан бе-морни ортиқча оворага сар-сон қилади. Шунинг учун по-ликликда хасталик хастали-гига аниқ баҳо бериш учун барча мослама ва техника-лар муҳайё қилинган. Хусу-сан маҳсус компьютер, лаз-ер нурли мослама, бошқа механик асбоблар поликли-никанинг ил ёрдамчилари ҳисобланади.

Бу даргоҳқа келиб даво-лаётган беморларнинг қўлигига яна бир сабаб шундаки, поликлиникада жуда кўп турдаги хасталик-ларга юқори савияда тиббий хизмат қўрсатилади. Хусу-сан сурункали тумов, сурункали тонзилит, урта қулоқ ири-ниги яллиғлиғини, эшитиш заифлигини, товуш ўзгари-ши, бурундаги ахлорик ри-нитлар бу ерда энг қулай усулларда даволанади. Ма-салан, А.Хасанов томоқ гландасида ангина ҳосил бўлган беморларга харо-хлик усулини тавсия этмай, тигизг даволаш усулини қўлайди. Болаларда тез-тез учрайдиган сурункали шимоллаш хасталиги ҳам бу масканда уз қуватини тез қунарда йўқотади.

Ноҳир АЛИМОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистондаги Россия чегара қўшинлари кўмондонлиги матбуот марказининг хабарига қараганда чегарачилар кеча Панж дарёсини кечиб ўтишга ҳаракат қилган икки кишини қўлга олишган. Афғонистондан ўтаётган бу чегара чегарачилар томонидан оғохлантирилишларига қарамай аскарларга қарши ўт очганлар. Тин-тувда уларнинг ёнидан 37 кг героин ва қуро-лар топилган. Республика ҳудудини қўри-қалаётган россиялик қисм аскарлари йил боши-дан бери 600 кг дан ортиқ героинни қўлга ту-ширишган.

Туркмистон Президенти С. Ниёзов Алматида Эрон Президенти С. Хотамий билан учрашганида афғон масаласини хал қилишда ва Туркмистон иктисодини ривожлантиришда Эрон тўтаётган йў-лига катта баҳо берди.

Озарбайжон Президенти Х. Алиев туғилган кун-ининг 75 йиллига муносабати билан Бокуга таширф буюрган Туркмистон ташқи ишлар вазири Б. Шехмуродов Каспий денгизининг за-хиралари тўғрисида иккала давлат орасида хал қилиб бўлмайдиган муаммолар йўқлигини айт-ган.

Қирғизистон қасамийетининг бир гуруҳ аъзолари А. Ақаев номзодини унинг марта Президентликка қўрсатиш ҳаракатини бошлаганлар. Мамлакатнинг ҳозирги Конституциясига кўра бир киши икки мар-тагина Президентликка сайланиши мумкин. Бироқ бу ҳаракатни бошлаганлар А. Ақаев 1991 йили со-биқ СССР Конституцияси асосида сайланганлиги рўқат қилмоқдалар. Бундан ташқари улар Ақаев бош-лаган ишни унинг ўзи ниҳоясига етказиши лозим демокдалар.

З. Саидов Президентининг матбуот котиби 3. Тожидов Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон ўртасидаги улар иттифоқи республика икти-содини тиклашга қаратилганлигини билдирган.

Абдужалил Зокиров Нуробод туманида узоқ йиллар хайривчилик кас-бини улуғлаб келди. Ой-лада 9 фарзанд вояга ет-моқда. Нафақага чиққан собиқ хайдовчи асалари боқинига ишқибоз чикиб қолди.

Сабр-тоқатлиги ва меҳнатқашлиги боис қис-қа фурсатда асалари йу-ларини қўйиб қўйишга му-ваффақ бўлди. Шу кун-ларда оила аъзолари 100 та асалари уюсига эга. Баҳамжхатлик билан аса-ларини парваришлаётган бехудага кетмаётир. Ойла йилига 1 тоннага ет-казиб асал олаётир.

Суратда: асаларчи Абдужалил Зокиров иш паиtida. Нурмаат АЛМУРОДОВ олган сурат.



БУНЧА СОДАСИЗ, БИРОДАР?

Ўн йиллаб минади, бунди... Сабаби, озгина арзонига ўчиб, қўлда тайёрлан-ганини олибди. Азаматлар улвога чо-нам ошлов бергани, худди «заавод-койга» ўхшади. Аслида зангилган бу матоҳнинг ярим йилда бўйни узилдиб кетди. Иккинчи хариди -халиги борку, нимадди оти, ҳа электроселатор. Сў-нинг қаймонни ахратадиган. Ҳч минг сўм. Халиги жовориси аели бирон мар-та ишлаш олмабди. Худонинг содаси ҳар ҳарфта бозорга боради. Эгасини та-нимайман, алмашти-риб келай деб. Қандай дейсан! Ме-на энди арзимас матоҳ бўлиб ўйида ётибди. Қоши уни қўзга қўримайдиган жойга яшириб қўйс. Йўқ, Хотининг кўз ўнгида ёти-ши керак. Авлигини халигинга ҳар қўзи тушганда истифоси қўтарилиб, қон бо-сини ошди. Машиналар бир кун жан-жал бўлган уйда қирқ кун барақа кета-ди, деб бехуда айтаманлар.

Бези маҳалладаги Матмуса бува. Ҳч ун тўрт мингга газ сўчтик харид қилди. Ўйридан. Италия маҳсулоти. Бу-васи тушмағур ўглини ўришиб, уни сот-тириб юборди. «Зонинг жойида, ана магазинда саккиз мингга турибди. Ма-нов матоҳнинг ўн марта зур, Ҳчми-зининг ён қушини хитойлар тайёрла-ган».

Саккиз мингга харид қилинган сўч-тик бир ойга етмай ўшириб кетди. Рост. Узиям Матмуса буванинг бағрабасига ўхшаб қолди. Унинг эса дарди ичида. Қўшинларга, бу хитойликларни зур де-нийман, алмашти-риб келай деб. Қандай дейсан! Ме-на энди арзимас матоҳ бўлиб ўйида ётибди. Қоши уни қўзга қўримайдиган жойга яшириб қўйс. Йўқ, Хотининг кўз ўнгида ёти-ши керак. Авлигини халигинга ҳар қўзи тушганда истифоси қўтарилиб, қон бо-сини ошди. Машиналар бир кун жан-жал бўлган уйда қирқ кун барақа кета-ди, деб бехуда айтаманлар.

Бези маҳалладаги Матмуса бува. Ҳч ун тўрт мингга газ сўчтик харид қилди. Ўйридан. Италия маҳсулоти. Бу-васи тушмағур ўглини ўришиб, уни сот-тириб юборди. «Зонинг жойида, ана магазинда саккиз мингга турибди. Ма-нов матоҳнинг ўн марта зур, Ҳчми-зининг ён қушини хитойлар тайёрла-ган».

Отам раҳматли, камбағалнинг моли қиммат мол, деб айтар эдилар. Шу га-да ҳам хизмат бор. Қўшимча дом э-латиб турарман. Лекин ҳар ҳарфта га-дила пайвазлар харид қилади. «Қани бу-нисини қўриб, бунисига нима дейсан? - деб сўради.

Мулоҳаза италийликларнинг маҳсулотини сотиб олди. Саккиз минг сўм сўгга қўчиб кетди? Кетди.

Отам раҳматли, камбағалнинг моли қиммат мол, деб айтар эдилар. Шу га-да ҳам хизмат бор. Қўшимча дом э-латиб турарман. Лекин ҳар ҳарфта га-дила пайвазлар харид қилади. «Қани бу-нисини қўриб, бунисига нима дейсан? - деб сўради.

Умид билан сотиб олибсизу, ни-маям дердим. Шу ҳозирги сотувчиларинг мо-лини қайтариб олмагани ёмон-д! Отаниз бир жуфт пойфазл харид қилса, ҳаммамизга етаради.

Ақаларимдан қолган матоҳчи те-риш вади деб мактабга тош телиб бориб, тош телиб келардим. Ҳч тарафи тити-либ кетсам йиртилмасди савиб. Тур-ри, ҳозир бозор арзон-араво нарас-ларга тўлиб кетди. Лекин қўшироқ бўлса, яқини топилади. Ҳама гап ўша сарфлаш санъатини эгаллама-ганимизда.

Бугун истиқлолнинг истиқбол-и учун фидойи инсонлар керак. Ис-таганим, ҳар бир оила бошлиғи изла-са, имкон топади. Сизу биз, оддий одамлардан талаб қилинадигани- он-ламининг тўлиғи, фаровонлиги. Ана шунга эриш олсак, ҳар ким ўзининг ишини бақарса, қаровонимизни қў-злаган манзилга тезроқ етиб бориши шубҳасиз.

Абдурахмон ЖўРА.

Ўзбекистон ва жаҳон

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон Осий кит-ласи давлатлари билан кен-г ҳамкорлик йўлидан бормоқда. Жумладан, Бан-гладеш Халқ Республика-си билан йўлга қўйил-ган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари самарали ри-вожланмоқда. Биз Бан-гладешнинг Ўзбекистонда-ги Фавкуллода ва Мухтор элчиси жаноб Шаржил ҲАСАН билан мулоқотда бўлди.

— Жаноб Шаржил Ҳа-сан, аввало, Бангладеш давлатининг бугунги ҳа-ёти, иктисодий ва сийсий ривожланиш йўли ҳақида гапириб берсангиз.

— Бангладеш маня қар-рийб ўттиз йилдирки, му-стақиллик ва тараққиёт йўли-дан бормоқда. Кези келган-да, айтиб ўтишим керакки, халқимиз ўз мустақилли-гига эришиш йўлида узоқ ку-раш олиб борди. Мамлака-тимизда бир йилча давом

этган жанглардан сўнг Бан-гладеш халқи 1971 йилнинг мард оёнда озодликка эри-шди. Бангладеш мустақил, су-верен республика деб эълон қилинди. Мустақиллик йўли-даги кураш йўлбошчиси Шайх Мухдабир Раҳмон ҳаз-ратлари бўлиб, биз у киши-ни миллат отаси деб атаймиз. Шайх Мухдабир Раҳмон 1975 йилда вафот этган. Бангладеш президенти этиб Шаҳобуддин Аҳмад жаноблари тайинлан-ди. 1996 йили эса шайх Мух-дабир ҳазратларининг қизи Шайх Хасина хоним мамла-ката Бош вазири лавозимини эгаллади. Шуниси диққатга молики, улуг Шайх ўз ва-қтида ватанимиз гуллаб-йш-на-ши йўлида илгари сурган го-ялар бугунги кунда унинг ки-зи томонидан ҳаётга самара-ли талдиб этилмоқда.

Бангладеш Халқ Респу-бликаси бугунги кунда Осий китасининг ривожланиш йў-лидаги давлатларидан бири-

дир. Юртимиз иктисодиёти жадал суръатда тараққий эт-моқда. 1997 йилда Банглад-ешнинг хорижга экспорт қилган маҳсулотлари 4 мил-лиард АКШ долларини таш-кил этди. Бу йили эса маъ-дид қурсатқинчи 6 миллиард долларга етказиб режалаш-тирилган. Мамлакатимизда электрэнергия ишлаб чиқа-риш, газ ва нефтни қайта иш-лаш, транспорт воситалари сановати жуда ривожланган. Албатта, иктисодиётимиз ра-ванкида хорижий алоқаларимиз ниҳати аҳамияти жуда катта. Давлатимиз сийсатига келсак, худди Ўзбекистон танлаган сийсий йул каби, бизнинг ҳам йўлимиз давлатларимиз дў-стлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўлидир. Бангладеш минта-қавий ва ялли тинчлик го-яларини қўллаб-қувватлайди ва бу борада Ўзбекистон раҳба-рияти илгари суратган ил-гор ташаббусларни юксак ба-ҳолайди.

— Элчи жаноблари, шу ўринда Бангладешнинг Ў-збекистон билан ҳамкорли-ги масалаларида тўхта-сангиз.

— Бангладеш Ўзбекистон-ни узининг қадимий ва аба-дий дўсти деб билади. Икки давлат ўртасидаги ришталар кўп асрлар қаърига бориб та-қалади. Бугунги кунда ҳам давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Аввало, сий-сий соҳадаги алоқаларимиз ҳақида тўхталсам. Бангладеш ва Ўзбекистон ҳукуматларини-нг ташқи сийсий қарашлари бир бирига жуда ухшаш. Ҳар икки давлат раҳбарияти ми-нтакавий ва ялли тинчликни қўллаб-қувватлайди. Шу ўринда, Бангладеш халқи ва ҳукумати Ўзбекистон раҳба-риятининг Афғонистондаги урушини тинч йул билан ҳл-ти эши ҳамда Марказий Осий-ни ядро қуролидан холи ҳу-дудга айлантириш борасида-

ги ташаббусларини юксак ба-ҳолашини эътироф этмоқчи-ман. Икки давлатнинг савдо-иктисодий алоқалари ривож-лани ҳам юқори баҳолаш ке-рак. Бангладеш ва Ўзбеки-стон ўртасидаги маҳсулот ай-р-болаш ҳажми йилга орта-ча 250 минг АКШ долларини ташкил этмоқда. Албатта, яқин келажакда бу курсатқич янада ортиши кутилмоқда. Шунинг ҳам айтиб ўтишим ке-ракки, Ўзбекистон ва Бангладеш ҳаво йўллари ўртасида-ги музокаралар самараси ула-роқ, шу йилнинг июнь ойи-дан бошлаб «Ўзбекистон ҳа-во йўллари» компаниясининг самолётлари Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрига қат-най бошлади. Бу ўз навба-тида, икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни яна-да кенгайтиришга омил бў-лади.

— Жаноб Шаржил Ҳа-сан, албатта, маданий ало-қалар ҳам икки давлат ў-ртасидаги муносабатларда катта аҳамият касб этади, шундан асосланган.

Шубҳасиз, Ўзбекистон ва Бангладеш халқларини маданий алоқалар ҳам узаро яқинлаштиради. Ҳар икки хал-қ маданиятлари ўта бой ва қадимийдир. Уларнинг узаро

ПЛА ПЛАЗ ПЛАЗ

Куйидаги тиббий ускуналарни ҳамда кишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмларини сотади:

- «Орва-Ретина» рентген плёнкеси: 30x40/100 л ҳажми флюоро плёнкеси: 70x30,5 ва 70x60 ҳажми («Орва-Ретина», тасма) плёнкеси;
- УЗС Алока-500-1100 аппаратлари 3,5 мгц дат-чиклари билан (Япония). Датчикларга алоҳида бую-ртма бериш мумкин.
- Қондаги қандни яққа тартибда аниқлагич (Жон-сон-Жонсон) фирмаси маҳсулотли;
- Рентген ускуналари ва флюоро аппаратлари;
- 15н 1,5 фискаж проявительлари;
- 15н 1,5 тиклагичлар;
- Бир ва 6-12 каналли электрокардиограмма (ЭКГ); термокоғозлар;
- «Олто» тракторлари ва улар учун эҳтиёт қис-млар, қишлоқ хўжалиги машиналари учун шиналар; ёқилги насослари;
- Карбид калция -2580; Лемех П-702;
- Ҳақ тўлаш турлича. Қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларига айрибошлаш ҳам мумкин.
- СНГ давлатларидан маҳсулотларни келтириб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фани Мовловнов кўчаси 52/2 тел: 34-27-58; 34-11-00. факс: 23-47-83, пейджер (067) 4184

«ПТС» ФИРМАСИ

Куйидагиларни сотади: САУНАЛАР УЧУН МАХСУС ДАВЛАШ ЭЛЕКТР УС-КУНАЛАРИ; КИЧИК НОНВЎХОНАЛАР (4 хилдаги: 160, 80, 32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга); ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР — ИСИТГИЧ-ЛАР; ҲАМИР ҚОРГИЧЛАР; ДУДЛАШ ВА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ; ДИСТИЛЛЯТОРЛАР; САНОАТ ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати. Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши шу кен-гаш Бош меҳнат-хуқуқ нозир Ш.Тожидовга уқаси Шароф ТОҶИБОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУХАРРИР УРИНБОСАРИ: ЧОРИ ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР УРИНБОСАРИ: ЧОРИ ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР УРИНБОСАРИ: ЧОРИ ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР УРИНБОСАРИ: ЧОРИ ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР УРИНБОСАРИ: ЧОРИ ЛАТИПОВ